


# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ



Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТМОИЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 51 (10.608) Баҳоси эркин нархда

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Кеча «Ўзэкспомарказ»да «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари техникаси ва ветеринария — Agro World-2006» ҳамда «Озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар, қадоклаш воситалари ва усуналар -World Food-2006» халқаро кўргазмалари иш бошлади. Унда дунёнинг 20 га яқин давлатларидан ташриф буюрган 60 дан зиёд компаниялар ўз маҳсулотлари билан иштирок этишмоқда.

● Кеча «Зарафшон» киноконцерт залида халқаро истеъмолчилар кунига бағишлаб «Энг иқтидорли ёш истеъмолчи — 2006» биринчи республика кўрик-танловининг якуний босқичи ўтказилди. Унда пойтахтимиздаги Юнус Ражабий номидаги педагогика коллежи талабаси Муясар Илхомова энг иқтидорли ёш истеъмолчи деб топилди.

● Пойтахтимизда республика ёш мусиқачилар кўрик-танлови бўлиб ўтди. Ушбу кўрик-танлов Ўзбекистон Бастакорлар уюشمаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Давлат консерваторияси, «Соғлом авлод учун» халқаро нодавлат хайрия жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

● Кеча Ўзбекистон Бадий академиясининг кўргазмалар залида «Dental Salon Uzbekistan-2» халқаро кўргазмаси иш бошлади. Унда стоматология соҳасига оид энг сўнги кашфиётлар намойиш этилмоқда. Бу йилги кўргазма иштирокчиларининг сони ва салмоғи билан аҳамиятлидир. Бугун ушбу кўргазма доирасида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитасида матбуот анжумани ўтказилди. Унда яқунланган Турин олимпиадасининг сарҳисоби ва шу йилнинг декабрь ойда Қатарда ўтказиладиган Осиё ўйинларида тайёргарлик жараёни ҳақида сўз борди.

● Замонавий санъат марказининг Фото уйида фотоҳаваскорларнинг республика кўргазмаси иш бошлади. Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазирлиги, республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази халқаро «Олтин мерос», Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» хайрия жамғармалари ҳамкорлигида ўтказилаётган ушбу фото кўргазмада голиб деб топилган фотоҳаваскорларга ташкилотчиларнинг диплом, сертификат, Фахрий ёрлик ва қимматбаҳо совғалари топширилади.

● Хоразм вилояти ҳокимлигида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлисида кўриб чиқилган масалалар ҳамда халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари фаолияти самарадорлигини ошириш» мавзусида йилги сўз бўлиб ўтди.

● «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент вилояти кенгаши ташаббуси билан олий ҳарбий билим юртида очик эшиклар кунли тадбири ўтказилди. Унинг асосий мақсади чакирилувчи ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш самарадорлигини оширишдир.

● Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик тўйи муносабати билан бу ердаги мадраса, музей ва кутлуг қадамжолар таъмирланмоқда, янги иншоотлар қурилмоқда. Қадимий ёдгорликлардан саналмиш Пур Сиддик ва имом Бурҳониддин Марғионий чиллахонаси, Жаҳон отин Увайсий уй-музейи янгидан барпо этилмоқда.

### ЖАҲОНДА

● Март ойининг охирларида Владимир Путин Хитойда Россия йилини очиши ва Хитой Халқ Республикаси раиси Ху Цзиньтао билан музокаралар олиб бориши керак. Аввал хабар берилганидек, кейинги — 2007 йил Россияда «Хитой йили» деб эълон қилинади.

● Фаластин мамлакати етакчиси Махмуд Аббос Исроил ҳарбийлари ҳужум қилиб Иерихондаги қамоқхонани қўлга олганларидан кейин ўзининг Европага ташрифини ярим йўлда тўхтатди. Чунки бу воқеадан кейин Фаластин мухториятида тартибсизликлар бошланиб кетган эди.

● АКШда обрўли сенаторлардан бири демократ Жозеф Байден, агар Ироқдаги вазият ўнганмайди дегун бўлса, америкалик ҳарбийлар ушбу мамлакатни тарк этишлари керак, деб баёнот берди.

● «Форбс» журнали дунёдаги энг бой инсонлар рўйхатини эълон қилди. Умумий бойлиги АКШ валютасида 1 миллиард доллардан ортадиган инсонлар сони ўтган йилда қариб 800 нафарга етган. Журналнинг ёзишчици бир йил мобайнида миллиардерлар сони 15 фозга кўпайган. Энг кўп миллиардерлар Ҳиндистонда яшаётган экан.

● Қозоғистонда яқин йиллар ичида «Формула-1» мусобақалари учун автотрасса қуриб битказилиши кўзда тутилмоқда.

### ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар беришича, 17 март кунини Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаки 3-5, кундузи 13-15 даража иссиқ бўлади.

### ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

### Кечка сатрларда

● **ЭРТАГА** Мирзо Улуғбек тумани Халқ таълими бўлими ташаббуси билан 256- мактабда «Ассалом, Наврўз!» деб номланган катта байрам тадбири бўлиб ўтади.

● **ЭРТАГА** «Камолот» ЕИХ Марказий Кенгашида «Қувноқлар ва зукколар» кўрик-танловининг саралаш ўйинлари бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

● **ЮНУСОБОД** туманининг «Оқтепа» маҳалласида бўлиб ўтган сайёр йиғилиш диний ақидадарастликнинг оддини олишга бағишланди.

● **КЕЧА** Ҳамза туманидан бир гуруҳ ёшлар «Камолот» ЕИХ туман бўлими Кенгаши ташаббусида «Мустиқиллик ва эзгулик» монументига сафар уюштиришди.

● **КЕЧА** Учтепа тумани «Кўчка оқтепа» маҳалласида истикомат қилувчи кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган 12 нафар киши ҳолидан хабар олиниб, уларга туман ҳокимлиги ва бошқа ҳромий ташкилотларнинг моддий ёрдамлари кўрсатилди.

● **БЕКТЕМИР** туманидаги 297- мактабда бўлиб ўтган «Инсонлар орасидаги муаммо ва уларни ҳал этиш» мавзусидаги тадбирда «Камолот» ЕИХ туман бўлими анжуман «Дунёни асранган болалар» деб номланди.

● **ҲАМЗА** туманидаги Зебо Шамсиддинова маҳалласида туман хотин-қизлар кўмитаси томонидан «Маҳалланинг энг намунали кизи» кўрик-танловининг туман босқичи ўтказилди.

● **КЕЧА** Яқасарой тумани Юнус Ражабий маҳалласида Тошкент шаҳар оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси ташаббусида бўлиб ўтган давра сўбатини «Фуджоларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари сайловининг ҳуқуқий асослари» деб номланди ва унда маҳалла фаоллари сенат аъзолари билан учрашди.

● **КЕЧА** Соғлом авлод жамғармаси шаҳар таянч маскани «Камолот» ЕИХ Яқасарой туман бўлими кенгаши ҳамкорлигида «Ракат» маҳалласида уюштирилган анжуман «Дунёни асранган болалар» деб номланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги  
Матбуот хизмати ва  
ўз мухбирларимиз  
хабарларидан.



### Кадрлар тайёрлаш миллий дастури — амалда

### ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИ АСОСИДА

КУНИ КЕЧА «ЎЗЭКСПОМАРКАЗ»ДА МАКТАБ ЖИҲОЗЛАРИ КЎРГАЗМАСИ ОЧИЛДИ. УШБУ КЎРГАЗМА ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН МАКТАБ ТАЪЛИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ УМУММИЛЛИЙ ДАСТУРИГА МУВОФИҚ ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ДАВЛАТ БЎЮРТМАСИ ҲАМДА МАХСУС ТЕНДЕР ДОИРАСИДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Илк бор мазкур мавзудаги кўргазма даяри бир йил аввал шу мажмуада бўлиб ўтган. Унда намойиш этилган мактаб асбоб-ускуна ва анжомлари билан бевосита танишган мамлакатимиз Президентини мутахассислар, ишлаб чиқарувчи ва савдо корхоналари вакиллари тегишли йўл-йўриқлар ва тавсиялар берганди. Давлатимиз раҳбари шу каби тадбирларнинг мақсади ва моҳияти ҳусусида ҳам алоҳида тўхталиб ўтиб, бу борада энг муҳими — мактаб ўқувчилари фойдаланадиган жиҳозларнинг сифати, қулайлиги, ташки кўриниши юзасидан талаб ва тақлифларни пухта ўрганиш лозимлигини таъкидлаганди. Дарҳақиқат, бугунги кунда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури талабларидан келиб чиққан равишда республикамизда нафақат

ўқув-тарбия ишлари га эътибор кучайиб бормоқда, балки шу билан бир қаторда ўқув юртлари, шу жумладан мактабларнинг моддий-техник негизини замон талаблари асосида ривожлантириш масалаларига ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Шулардан келиб чиққан ҳолда янги қуриладиган ва таъмирдан чиқариладиган мактабларга замонавий жиҳозларни танлашда дунёнинг илғор мамлакатлари тажрибасидан унумли фойдаланиш ҳам мақсадга мувофиқдир, зеро бу билан, мамлакатимиз раҳбари таъкидлаб ўтганидек, «ёш авлод замон талаблари даражасида таълим-тарбия олиши, биз ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ва бўлмаймиз ҳам деган эзгу шioriимизни том маънода ҳаётга татбиқ этиш учун зарур имкониятлар яратган бўламиз».

(Давоми 3-бетда)

### СОҲИБҚИРОН ЮБИЛЕЙИГА БАҒИШЛАНДИ

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ ТЕМУРИЙЛАР ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИДА СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУДИНИНГ 670 ЙИЛЛИГИ ҲАМДА МАЗКУР МУЗЕЙ ТАШКИЛ ЭТИЛГАННИНГ 10 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ЯНГИ ЭКСПОЗИЦИЯЛАР ОЧИЛДИ. УНИНГ ОЧИЛИШИДА ТАНИҚЛИ ОЛИМЛАР, ШОИР ВА ЁЗУВЧИЛАР, ЎҚИТУВЧИЛАР, ТАЛАБАЛАР, ЖАМОАТЧИЛИК ҲАМДА ЮРТИМИЗДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН ДИПЛОМАТИК КОРПУС ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири А.Орипов, Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти Т.Мирзаев, академик Э.Ртвеладзе ва бошқалар Президентимиз Исроил Каримов раҳнаомлигида мамлакатимизда жамиятни демократлаштириш ва модернизациялаш, ислохотларни янада жадаллаштириш жараёни маънавий соҳадаги янгиликлар билан ҳамоҳанг тарзда кечаётганини таъкидлади. Бунда миллий давлатчиликнинг тарихини тиклаш, буюк аجدларимизнинг ўлмас маънавий меросини чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш, миллий қадриятларимиз, азаллий аъёнларимиз мазмун-моҳиятини ёшлар онгига чуқур синдириш муҳим аҳамиятга эга. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 1996 йилда Темурийлар тарихи давлат музейининг ташкил этилиши бу борадаги эзгу ишларнинг яна бир ёрқин намунаси бўлди.

Музейнинг ўн йиллиги буюк соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 670 йиллиги ҳамда Қарши шаҳрининг 2700 йиллик тантаналари арафасида нишонланди.



Мемориалнинг таъмир-яратилиш ишлари яқин келажакда аҳолининг кўпроқ қисмига тақдим этилади. Музей дурдоналари Франция, Германия, Австралия, АКШ каби кўплаб давлатларда ташкил этилган халқаро кўргазма



ларда намойиш этилиб, Ватанимизнинг бой тарихи довуғини жаҳонга ёймоқда. Бугунги кунгача бир ярим миллион нафақадан зиёд томошабин ташриф буюрган ушбу муаззам масканда турли анжуманлар, олимлар билан учрашувлар, кўргазмалар ташкил этиш яхши анъанага айланган. Музейнинг ўн йиллиги арафасида очилган унта кўргазма бунинг далилидир. «Ўзбекистонда ёзув маданияти тарихи», «Шоҳруҳия — қалъа шаҳар», «Амир Темур, Клавихо ва Самарқанд», «Соҳибқирон ва Темурийлар даври — расомлар нигоҳида» каби номлар билан аталган мазкур кўргазмалар томошабинларда катта кизиқиш уйғотмоқда.


Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА,  
ЎЗА мухбири

ЎЗА







Машриқзамин — ҳикмат бўстони

ҲИКМАТ. Дўст шундайки, сўхбатингни малол олмайд, узокда юрсанг унутмайди...

ХИКМАТ. Уч тоифа одамлар борки, улар билан дўст тутинишдан эҳтиёт бўлмақ керак...

ХИКМАТ. Мухаббат ва дўстлик лофини урса ҳам, душманга ишонмоқ хато, жоҳонлик лофини хаддан оширса ҳам сўзларига учкоқ жонга бало!

Азизим, душманнинг узрнамo сўзларини эшитиб, гурур отига минмагинки, у қанчалик тамаллуқ қилмасин...

Давлат ва жамият қурилиши Академиясида 2006 йилга режалаштирилган таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган қурилиш ташкилотлари ўртасида танлов эълон қилинади

Тошкент Фармацевтика институти «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотни юридик шахс сифатида тугатилганлигини маълум қилади.

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

КАДРЛИ ЮРТДОШЛАРИМИЗ ВА АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ!

Барча-барчангизни меҳр-оқибат ва эзгулик айёми



Спорт

РУСЛАН ЧАГАЕВ — ҚИТЪАЛАРАРО ЧЕМПИОНИ!

ПРОФЕССИОНАЛ БОКСДА ЮРТИМИЗ ШАРАФИНИ МУНОСИБ ҲИМОЯ ҚИЛИБ КЕЛАЁТГАН ЧАРМ ҚЎЛҚОП УСТАСИ РУСЛАН ЧАГАЕВ ЎЗ ГАЛАБАЛАРИ БИЛАН МУХЛИСЛАРИНИ ХУШНУД ЭТМОҚДА...

Икки енгилмас боксчи ўртасида ўтказилган мазкур беллашув кўпчилигининг эътиборини жалб қилди. Айни пайтда Мухаммадқодир Абдуллаев билан бирга Германиянинг Universum Box Promotion клубида шуғулланаётган боксчи...

Фавқулдда вазиятларда ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ — ОЛИЙ МАҚСАД

ҲОЗИРГИ ВАҚТДА ДУНЁ ҲАМЖАМИЯТИДА ХАВФСИЗ ҲАЁТНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ ЭНГ ДОЛЗАРБ МУАММОГА АЙЛАНИБ ҚОЛДИ. ЧУНКИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИНИНГ МИСЛИ КЎРИЛМАГАН ЮКСАК ТАРАҚҚИЙ ЭТГАН ТЕХНОЛОГИЯЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАНИШИ ТАБИИЙ РИВОЖЛАНИШ, АТРОФ-МУҲИТ ТОЗАЛИГИ ВА ИҚТИСОДИЙНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИГА ТАҲДИД СОЛИБ ТУРИБДИ.

Шу сабабдан ҳам Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришган дастлабки йиллардаёқ энг муҳим вазифалар қаторида мамлакат аҳолиси ва ҳудудини турли хил фавқулдда вазиятлардан муҳофаза қилиш, экологик хавфсизликни таъминлаш масалаларини биринчи ўринга қўйди.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЯТИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳар ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлик Мақомадини 2001 йил 4 октябрдаги № 400-сон «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари учун педагог кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорига асосан Шайхонтохур Транспорт касб-ҳунар коллежи, Тошкент Енгил санат касб-ҳунар коллежларига директорлик лавозимига танлов эълон қилинади.



Катралар

УМР Йўллари

ЭҲ УМР... СЕНИ НИМАГА ҚИЁСЛАШ МУМКИН? ШОВУЛЛАБ ОҚИБ КЕТАЁТГАН СУВГА, ЁНИБ ЎЧАЁТГАН ОЛОВГА, ХИЛПИРАБ ЭСИБ ТУРГАН ШАМОЛГА, ЁХУД БИР ЗУМДА ГОЙИБ БЎЛАДИГАН КАМАЛАККАДИР.

Нима бўлганда ҳам сендан шиддатлироқ, сендан гўзалроқ ва сендан бевафороқ лаззат йўқ дунёда. Аммо инсонларнинг шундай умр йўллари борки, улар абадий ва мангудир.

СУКУНАТ

СУКУНАТ. У ТУФАЙЛИ БАЪЗАН ҚАЛБ ЁЛГИЗ ВА КИМСАСИЗ. ГЎЁКИ ҲАЁТ БИР ЗУМГА ТЎХТАБ ҚОЛГАНДАЙ.

Хаётнинг гала-говурларидан, худда-бехуда гурбатларидан, ҳаттоки шодлик ва тантаналаридан беэтиб ором истаган кунгилга беадд тухфа — бу — сукунат... Қалб ором олмақда, дил малҳам толмақда, Юрак ҳаловат маконига яйрамоқда.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ДИҚҚАТ, ДИҚҚАТИ Илк бор «Туркистон» саройида 2006 йил 21 мартдан 2006 йил 2 апрелгача «ЗОЛУШКА» номли жаҳондаги биринчи итлар театри спектакллари ПРЕМЬЕРАСИ ҚЎРИШГА ШОШИЛИНГ

Нашрни етказиб бериш масалалари буйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонга мурожаат қилишнингиз мумкин.